



ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ КЎРСАТИЛДИ

30 январь – Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуд топган кун.
Ҳар йили бу санани нишонлаш, мархумни хотирлаш эзгу анъанага айланган.



Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат кўрсатди.

Қуръон оятлари тиловат қилинди. Ислом Каримовнинг эзгу ишлари, олижаноб инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Маросимда Президент Администрацияси, парламент палаталари ва ҳукумат аъзолари, илм-фан ва маданият намояндalари, зиёлилар, пойтахт жамоатчилиги иштирок этди.

Ислом Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором топган Самарқанд шаҳрида ҳам халқимизнинг буюк фарзанди таваллуд куни кенг нишонланди. Жамоатчилик вакиллари шаҳардаги Ислом Каримов мақбара-мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сунг Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган
она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири
бўлганини кўрамыз...

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИЛМИЙ ҚУДРАТИМИЗ
КЎЗГУСИ

Давронбек МАХСУДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ҳузуридаги
Имом Мотуридий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори,
тарих фанлари доктори

Ўзбекистон қадимдан
илму маърифат, маданият
ўчоғи бўлиб келган. Шу
боис, юртимиздан етишиб
чиққан алломаларнинг
илмий-маънавий мероси
бугунги кунда ҳам ўз
аҳамиятини йўқотмаган.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий-маънавий мероси, жаҳон илм-фани, цивилизация ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё олимлари томонидан юксак эътироф этилади. Бугун ҳам Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби юзлаб алломаларимизни нафақат биз фахр

▶ Давоми 2-бетда

АЖДОДЛАР РУҲИ,
ИЛМ ҚУВВАТИ, МАЪНАВИЯТ
ШУЪЛАСИ МУЖАССАМ МАСКАН

Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан
буюк алломалар ва мутафаккирларнинг ислом дини,
маданияти, дунё илм-фанига қўшган ҳиссаси инсоният
томонидан эътироф этилган. Она заминимизда шундай меъмор,
хунарманд, амалий ва тасвирий санъат усталари етишиб
чиқдики, улар яратган маҳобатли бинолар, нафис санъат
буюмлари, миниатюралар ва хаттотлик асарлари ислом ва
жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
вице-президенти,
тарих фанлари доктори,
профессор


Кейинги йилларда буюк аждодларимизнинг халқимиз, башарият олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, кадр, ҳурмат ва эътибор топмоқда. Зеро, тарих ва маданиятга, илмий-маърифий, маънавий меросга ҳурмат билан ёндашиш, уни ўрганиш ҳамда бойитиш, ёш авлодни миллий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар бир давлат, жамият тараққиёти барқарорлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Таҳликали давримизда ислом динини сиёсийлаштириш,

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА
МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Зьмира БОСИТХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Оролбўйи минтақасини
ривожлантириш масалалари
қўмитаси аъзоси



Президентимизнинг
Олий Мажлисига йўллаган
Мурожаатномасида давлат ва
жамиятни ривожлантириш,
соғлиқни сақлаш соҳасини
мутлақо янги тизим, яъни
тиббий профилактикага
йўналтирган ҳолда
такомиллаштириш, аҳолига
сифатли тиббий хизмат
кўрсатишни янада яхшилаш
борасидаги устувор йўналиш
ҳамда вазифалар белгилаб
берилди.

Мурожаатнома аввалида давлатимиз раҳбари бутун дунё миқёсида, шунингдек, мамлакатимиздаги пандемия шароити, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида олиб борилган чора-тадбирларга алоҳи-

да эътибор қаратди. Албатта, бу бежиз эмас. Тўғриси айтганда, 2020 йил бутун дунё халқлари, биз учун ҳам оғир, синовли давр бўлди. Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган оқилона сиёсат туфайли ўз касбига садоқат билан ёндашган тиббиёт ходимларининг туну кун қилган машаққатли меҳнатлари билан пандемиянинг кучли зарбаларига жавоб бера олди. Ўзбекистонда яхши тажриба шаклланди. Халқаро экспертлар ҳам буни эътироф этди.

▶ Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ —
ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ
ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗ ҚУДРАТИНИ
НАМОЙИШ ЭТАДИ

▶ 2-бетга қаранг.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

АЖДОДЛАР РУҲИ, ИЛМ ҚУВВАТИ, МАЪНАВИЯТ ШУЪЛАСИ МУЖАССАМ МАСКАН

Музаффар Абдуллее олган суратлар.



ИЛМИЙ ҚУДРАТИМИЗ КЎЗГУСИ

Бошланиши 1-бетда


Сухбат давомида шонли тарихимизда иккита Ренессанс бўлгани, бунда аждодаларимизнинг алоҳида ўрни борлиги, янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс-ни бошлашга барча шароит ва имкониятлар борлиги айтилди. Аслида маърифатли, билимли халқимиз ҳамisha фикрий мустақил бўлгани ҳақидаги гоя илгари сурилди.

Қайд этиш керакки, аждодаларимиз тарихдаги ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илгор, илмий салоҳияти юқори халқлари қаторидан жой эгаллаган. Улар илм йўлида умрини сарфлаб, ўша даврда мавжуд барча фанлар бўйича етук олимлар бўлиб етишган.

Немис олими Генрих Зутернинг тадқиқотлари натижасига кўра, Бағдод академиясида фаолият олиб борган кўплаб олимлар рўйхати аниқланган бўлиб, 500 дан ортиқ математик ҳамда астроном олимлар ўз асарларини араб тилида ёзгани сабабли кўпчилик уларни араб миллатига мансуб олимлар, деб ҳисоблайди. Бироқ Зутернинг таъкидлашича, бу алломалар нисбалари, яъни туғилган жойларига кўра, асосан, марказий осийёлик олимлар саналади.

Урта асрнинг машҳур араб олими Ибн Халдун Марказий Осиёда исломдан олдин ҳам илм-фан ривожланганини таъкидлайди. Бугунги йирик олим ва мутахассислар, халқаро ислом ташкилотлари раҳбарлари ҳам Марказий Осиё, хусусан, қадим Мовароуннахрнинг ўрнини алоҳида эътироф этмоқда. Жумладан, 2020 йилда Бухоро шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти”, деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилган халқаро онлайн анжуманда ҳам ислом дини илм сифатида араблар бўлмаган юртларда, хусусан, Мовароуннахрда ривож топганини Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти мутасаддилари алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда айтиш керакки, алломаларимизнинг бебаҳо мероси ҳақида сўз борар экан, аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Бериуни, Аҳмад Фаргоний, Мирзо Улуғбек



тиббиёт соҳасида Ибн Сино каби олимлар ўзларининг кашфиётлари билан жаҳон ва илм-фан тараққиётга беқиёс хисса қўшди. Айни шу даврда нафақат илм-фан, балки барча соҳаларда янгиланиш ва ривожланиш юз берди.

Мовароуннахр, Хуросон ва Эронда Ренессанс даврида илм-фан, адабиёт, шеърят юксак тараққий этди. Шунинг учун ҳам бу давр “Шарқ Ренессанси” номи билан тарихга битилди. Диний ва дунёвий билимларни муҳасамма ўрганган аждодаларимиз яшаб иқод қилган давр “Ислом тамаддуни” номи билан ривожланди.

XIII аср бошларида содир бўлган мўғуллар истилоси натижасида илмий юксалишнинг турғунлик даври бошланди. Кўп ўтмай, XIV асрнинг иккинчи ярмида Амир Темуր хукмронлиги даври бошланиши билан Мовароуннахрда тараққиёт янгиланди. Темурийлар давлати барқарор ривожланиши мамлакатнинг янгидан илм-фан, санъат ва маданият, адабиёт марказига айланишига хизмат қилди.

Хусусан, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси илм-фан маркази бўлиш билан бирга, ўзига хос академия вазифасини ўтаган. Мадрасада Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи каби етук олимлар бошчилигида илм-фан соҳаси Иккинчи Ренессанс даврига гувоҳ бўлган.

Умид қиламизки, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази билан бир қаторда бошқа илмий марказлар ҳам Бағдоддаги “Байт ул-хикмат” — “Хикматлар уйи”, Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси сингари Учинчи Ренессанс даврининг юксак тараққиётига хизмат қилувчи асосий илмий марказлар қаторидан жой олади.

Мамлакатимиз ёшларини илмий тафаккурга, ақлий меҳнатга ўргатиш орқали нафақат камил инсон қилиб тарбиялаш, балки давлатимизни Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Германия каби ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишига хизмат қилувчи мутахассисларни етиштириб беради.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Учинчи Ренессанс учун тамал тоши қўйилди. Улкан тараққиётга умид боғланди. Бунинг учун тарихдаги Ренессанс даврлари каби илмга интилишимиз зарур. Президентимиз таърифи билан айтганда, илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутмасак бас.

Бошланиши 1-бетда

— Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг юртимиздагидек бой ўтмиш, бобо-ларимиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказиш билишимиз керак. Бу марказга келган одам улкан меросимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур, — деган эди Президентимиз бу ерга аввалги таширфларидан бирида.

Маҳобатли ва кўркем

Қарийб икки гектар майдонда уч қаватли маҳобатли, кўркем бино қад кўтарди. Унинг симметриқ марказида бежирим шарқона гүмбаз, тўрт томонида 34 метрлик пештоқлар қурилди.

Биринчи қаватда музей омбори, қадимий кўлэзма ва осори атиқаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, наشريёт ва китоб дўконлари жойлашади.

Иккинчи қаватдаги улкан фойе марказига Усмон Қуръони жойлаштирилади. Шунингдек, бу ерда Ислом санъати музейи, 435 кишига мўлжалланган анжуманлар зали бўлади. Кўргазмаларда Ўзбекистон тарихи даврлар бўйича, ҳар бир аср, ҳар бир алломага оид манбалар ва ашёлар асосида намойиш этилади.

Учинчи қаватдан эса 100 минггача кўлэзмалар фондига эга кутубхона, ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва маъмурий хоналар ўрин олади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази шу йўналишдаги илмий муассасалар учун фундаментал база бўлади. Бу ерда маҳаллий ва хорижий мутахассислар илмий тадқиқотлар олиб боради, уларнинг натижалари асосида қомуслар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрланади. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчи ва талабалари ушбу масканга келиб, билимини мустаҳкамлайди.

Ислом тамаддунига асос қўйилган замин

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси,



Нодирбек Ёқуббоев, халқаро гроссмейстер:

— Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор профессионал шахматчилар учун ҳам, ҳаваскор шахматчилар учун ҳам қувонарли воқеа бўлди. Бугунги кунгача халқаро унвонлар талабларини бажарган гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро тоифадаги мураббий, FIDE усталари моддий кўплаб-қувватланмаган эди. Энди бир марталик ёки ҳар ойлик стипендия кўринишида моддий рағбатлантириш имкони яратилиши барчамизни мамнун этди. Бизни кўплаб-қувватлашга қаратилган эътибор шахматга бўлган иштиёқимизни янада оширади, деб ўйлайман. Зиммамизга бир муҳим вазифа юкланмоқда. Бу — 2025 йилгача Ўзбекистон Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) рейтингининг дастлабки 10 талигига киришга эришиш. Бугун 162 мамлакат ўртасида 30-ўриндамиз. Биз имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаймиз.

Анжуманда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган қатор тадбирлар, мусобақа ҳамда турнирлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Уларда профессионал ва ҳаваскор шахматчилар ўз кучини синаб қўриши мумкин. Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун шахмат бўйича халқаро турнир, ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир ва XVII жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шарафига халқаро турнир бўлиб ўтади. Самарқандда “Соҳибқирон кубоги”, Хивада “Ал-Беруний”, Бухоро ва Термизда “Туризм ва шахмат ҳафталиги” халқаро турнирлари ташкил этилади. Шунингдек, онлайн мусобақалар ўтказилиши учун uzbekchess.uz



платформаси, шунингдек, шахматчилар, мураббийлар ва ўқувчиларнинг ягона электрон маълумотлар базаси ишлаб чиқилади.

Конференция давомида жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Жаҳоҳир Синдоров, жаҳон чемпиони Афрўза Ҳамдамова, биц йўналиши бўйича Фарбий Осиё чемпиони совриндори Феруза Қурбонова каби ёшлар ҳам ўз таклифларини билдирди.

Президентимизнинг мазкур қарори ёш авлод маънавий камолотини юксалтириш, уларнинг шахмат бўйича иқтидорини тўла намоеъ этиши учун кенг имконият яратди. Юртимиз ёшлари ушбу шароит ва имкониятларга “лаббай”, дея жавоб берган ҳолда, Ватанимизнинг янада гуллаб-гилнашига ўз хиссасини қўшади ҳамда Янги Ўзбекистонни қисқа муддатда илгор мамлакатлар қаторига олиб чиқади.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗ ҚУДРАТИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Биз ҳар куни мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу ўзгаришлар юрт тинчлигини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун амалга оширилаётгани бор гап. Ана шу жараёнда қисмонан соғлом, маънан етук, тафаккури кенг, испохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, унинг раванқига муносиб хисса қўшишга интиладиган ёш авлодни воқеа етказиш масаласи ҳам борки, бу давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор марказида турибди.

Давлатимиз раҳбарининг “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ёш авлодни қарорда белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти билан таъиништириш ва шахмат спорт турига қизиқишини кучайтириш мақсадида Халқаро шахмат академиясида Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов раислигида онлайн анжуман ташкил этилди. Унда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги мутасаддилари, шахмат бўйича етакчи мураббийлар, Халқаро шахмат академияси ўқувчилари, ҳушдорлардаги шахматчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Қарор доирасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим йўналишлардан бири “Мақтабда шахмат” лойиҳасидир. Кейинги ўқув йилидан бошлаб шахмат бўйича 150 та мақтабда машғулотлар жорий

этилади, — деди **Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов**. — Ушбу мақтаблар худди баъзи таълим муассасалари математика ёки инглиз тилига ихтисослашгани каби, фақат шахматга йўналтирилган бўлади. Болалар ҳеч нарсасга муҳтож бўлмаслиги учун биз бу мақтабларга зарур жиҳозларни сотиб олишга 7,5 миллиард сўм маблағ ажратамиз. Шахматни танлов асосида ўқитиш яна 1000 та оддий мақтабда жорий этилади. Энг яхши, иқтидорли ёшлар танлаб олинади. Бунинг учун 10 миллиард сўм йўналтирилади. Мухими, инқилобий ечим: барча умумтаълим мақтабларининг 2-, 3- ва 4-синф ўқувчилари “Жисмоний маданият” фани доирасида шахмат билан шуғулланади. Бундай тизим дунёнинг ҳеч бир мамлакатида йўқ. Биз бу билан янги шахматчилар авлодини яратамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 20 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган.

Ўзбекистон аҳолисининг, хусусан, ёшларнинг шахматга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида 25 та янги шахмат мақтаблари ва клублари ташкил этилади. Фаолият юритаётган шахмат бўлимлари сони 20 фоизга кўпаяди ва уларда тахсил олаётган болаларнинг умумий сони 10 минг 500 нафарни ташкил қилади, бугунги кунда уларнинг сони 8 мингга яқин. Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Самарқанд, Наманган, Термиз, Фарғона шаҳарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахитов тумани, Навоий вилояти Хатирчи тумани, Сирдарё



вилояти Боёвут тумани, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Хоразмнинг Ҳазорасп ва пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманларида шахматни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Улуғ аждодаларимиз йўлини муносиб давом эттираётган бугунги авлод шахмат оламида Ўзбекистон номини янада юксакка кўтараяётгани бежиз эмас. Ҳамюртларимиз, жаҳон чемпионлари Рустам Қосимжонов, Нодирбек Абдусатторов,

ака-ука Жаҳоҳир ва Ислом Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев ва бошқаларни бугун дунё таниди. Уларнинг ортидан яна кўплаб ёш ва иқтидорли шахматчилар етишиб чиқмоқдаки, бу ўзбек шахматининг эртанги куни ишончи кўлларида эканидан дарак беради.

Анжуманда ўз иқтидори билан юртимиз доврўғини оламга ёйиши мақсад қилган бир гуруҳ ёшлар муносабат ва таклифларини билдирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб, бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқуллоҳда иш режимида ўқазилганини, қисқа муддатда Тошкент шаҳри ҳамда ҳудудларда барча шароитга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилганини, улар зарур дори-дармон, химоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланганини алоҳида айтиб ўтди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилганига ҳам эътибор қаратади.

Таъкидлаш муҳими, ўз вақтида қўрилган тезкор чора-тадбирлар коронавирус пандемиясини енгиш, касалликнинг оғир ва асоратли кечишининг олдини олиш, шу билан бирга, эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилди. Лекин бу пандемия даври тугади, дегани эмас. Шунинг учун ҳам Мурожаатномада 2021 йилда корона-вирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш асосий вазифаларимиздан бири экани алоҳида қайд этилди. Бу вазифани бажариш мақсадида 2021 йил давлат бюджетидан 3 триллион сўм ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан, аҳолини корона-вирусга қарши эмлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилди. Коронавирус пандемиясига қарши курашишда алоҳида ўрин тутувчи тармоқ — санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга жорий йилда 200 миллион доллар йўналтирилаётгани ушбу касалликни бартараф этишда катта имконият яратади.



Президентимиз ўз маърузасида: “Жаҳон соғлиқни сақлаш тақдирининг тақдирларига кўра, пандемия хавфи ҳали узоқ вақт сақланиб қолши мумкин. Демак, инсоният бошдаги синовлар яна қанча давом этишини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди... Мана шундай шароитда ким ютади? Тўплаган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли ва самарали бошқарув тизимида эга бўлган давлатлар пандемия хавфини ўз вақтида ва бир ёқадан бош чиқариб бартараф этишга ва бу

курашда энгиб чиқишга қодир бўлади. Бунинг Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди”, дея таъкидлаб, мураккаб шароит бўлишига қарамадан ислохотлар қамровини кенгайтириб, Янги Ўзбекистонни барпо этишдаги зғу ниятларимизни давом эттиришимиз зарурлигини тилга олди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиши бутун Ўзбекистон аҳлини янада фахр ва ифтихорга тўлдирди. Ушбу мазмун-моҳиятга эга йил номининг замирида олам-олам маъно муассамчилигини кўраимиз.

Унда давлат ва жамият тараққиёти, инсон саломатлиги ҳамда ёшларимизнинг эртанги келажаги порлоқ эканига амин бўламиз. Оғир пандемия даврида соғлиқни сақлаш соҳаси халқимиз саломатлиги учун нақадар муҳим тизим эканини яққол ифода этди. Албатта, бундай рамзий маъно бир сўз билан айтганда, тиббиётимиз тараққиётининг янада раванқ топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мурожаатномада келгуси йилларда соҳани ривожлантириш йўлида қандай ишлар амалга оширилишининг қайд этилиши ҳам тиббиётимиз олдида янада устувор вазифаларни қўйди. Жумладан, она ва бола саломатлигига бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда 11 миллион нафар, 2022 йилда 17 миллион аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Аёллар ва болаларни

“

Хозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий касалликдан азият чекмоқда. Шу сабабли онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қўйин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади. 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ билан қамраб олиниши белгиланди. Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда бўлимлар ташкил этилади.

касалликдан азият чекмоқда. Шу сабабли онко-гематология соҳаси ҳамда даволаш қўйин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади. 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ билан қамраб олиниши белгиланди. Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда бўлимлар ташкил этилади.

Яна бугунги долзарб масалалардан бири аҳолимизнинг катта қисмини қийнайдиган ўткир қон-томир касалликларни бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этиш режалаштирилди. Бу марказлар ўлим ва ногиронлиқни камайтиришга хизмат қилди.

Албатта, Мурожаатномада айтиб ўтилган вазифалар ҳар бир тиббиёт ходимидан янада масъулият билан ишлашни талаб этади.

Мурожаатномада ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган беморларни гемодиализ хизмати билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15 январь кунин Республика иттиҳослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази қурилиши билан танишиш чоғида юртимизда нефрология соҳасини ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ижросини ўрганиш, Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва соҳа ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш учун вазирнинг барча ўринбосарлари ҳудудларда хизмат сафарига бўлди.

Шу жумладан, биз ҳам Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳри, Тойлоқ, Пастдарғом ва Самарқанд туманларида ҳамда Фарғона вилоятининг Марғилон, Қўқон шаҳарларида, Риштон, Данғара туманларида бўлдик. Биз бирламчи тиббий хизматнинг мутлақо янги механизми-ларини шакллантириш мақсадида аниқ манзилли ва муддатли харақатларни белгилаб, маҳаллалар ва оилаларнинг тиббий қаргаларини тузиш, ягона электрон дастурга киритиш борасида маҳорат дарслари ўтказдик. Муассасада ташкил этилган хатлов штабига олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Аёллар маслаҳатхонаси ва Қизлар саломатлиги марказларининг фаолияти ўрганилди ҳамда муаммоларнинг ечим йўллари белгиланди. Хонадонларда аҳолининг ўз саломатлигига бўлган муносабати, тиббиёт ходимларининг оилаларда амалга ошираётган ишлари танқидий ўрганилди. Аҳоли саломатлиги масаласидаги муаммолар ҳар бир оила кесимида жойида ҳал этилди.

Фаолиятимизнинг асосий қисми жойларда, маҳаллаларда ва оила-ларда ўтиши 2021 йил давомида мунтазам давом этади. Ишонаман-ки, қўп сонли тиббиёт ходимларимиз ўзларининг фидойи меҳнатлари билан тизимда белгиланган вазифаларни астойдил бажариб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда самарали натижаларга эришади.

Ислохот



МОНИТОРИНГ ТАШРИФЛАРИ жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқ ва манфаатларни таъминлаш устидан доимий назорат

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу билан бирга, кенг қўламли ислохотларда нафақат демократик тамойил-лар, балки миллий қадриятларимизнинг негизига айланган меҳр-шафқат ва муруватли бўлиш, бағрикенглик каби юксак фазилатлар устуворлик касб этаётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тўздан такомиллаштиришга қаратилган жиддий ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли химоялаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, шунингдек, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва жавобгарлиқни кучайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг “Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш қарорларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли химоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив ҳужжатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрь кунин Олий Мажлисга Мурожаатномасида қийноқларнинг олдини олишда Омбудсман томонидан ҳар чорақда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолатори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатиши жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган Эксперт гуруҳи томонидан Тошкент вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг ташрифлари амалга оширилди.

Жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган Эксперт гуруҳи таркибида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Эзгулик” жамияти, “Ҳуқуқий таянч” нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари иштирок этиди.

Омбудсман ҳузурида фаолият кўрсатувчи жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган Эксперт гуруҳи жазони ижро этиш муассасалари, қамоқда сақлаш жойлари ва махсус қабулхоналар ҳамда шахслар ўз ихтиёри билан қилиб кета олмайдиган жойлардаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш мақсадида Миллий превентив механизм доирасида Чирчиқ шаҳридаги 13 ва 7-сон жазони ижро этиш колонияларида бўлди.

Хусусан, улар жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг яшаш, овқатланиш, меҳнат қилиш ва тиббий ёрдам олиш

шароитлари ҳамда муассасаларда санитария-гигиена талабларига риоя этиш ҳолатларини ўрганди.

— Муассасада бугун минг нафардан ортиқ маҳкумлар жазо ўтамоқда, — дейди Чирчиқ шаҳрида жойлашган 13-сонли жа-

превентив механизм жорий этилди. Яъни қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар қўриш белгиланди. Ушбу янги нормага кўра, Омбудсман нафақат қамоқда сақлаш жойларида, балки шахслар турган ва ўз ихтиёри билан



Муассасада 39 ўринга мўлжалланган даволаш- профилактика ёрдам кўрсатиш бўлими, 16 ўринли узоқ ва қисқа муддатли учрашув хоналари, Реабилитация маркази, Чирчиқ шаҳридаги 12-сонли ўрта мактаб филиали ва кутубхона мавжуд. Шунингдек, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун клуб, спорт билан шугулланиш учун шароит бор.

жони ижро этиш колонияси бошлиғи, подполковник Жўра Пўлатов. — Бу ерда маҳкумларнинг яшаш ва ишлаши учун барча шароит яратилган. Жумладан, 39 ўринга мўлжалланган даволаш-профилактика ёрдам кўрсатиш бўлими, 16 ўринли узоқ ва қисқа муддатли учрашув хоналари, Реабилитация маркази, Чирчиқ шаҳридаги 12-сонли ўрта мактаб филиали ва кутубхона мавжуд. Шунингдек, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун клуб, спорт билан шугулланиш учун шароит бор. Турли қўнғилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун 80 дан ортиқ видеокузатув камералари ўрнатилган. Жорий йилда яна 640 та ана шундай мосламалар ўрнатилиши режалаштирилмоқда.

Жиноят-ижроия кодексига белгиланган тартибга кўра, ҳар бир маҳкумга жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда мурожаат этишлари, соғлигини сақлаш, шу жумладан, тиббий хулосага кўра, амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ҳамда жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдам олишлари, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлишлари учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Маълумки, “Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш механизми-лари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонунга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят-ижроия кодекс-ларига тегишли ўзгаришлар кирити-лади. Қонунга киритилган ўзгариш-лар билан Омбудсман ҳузурида миллий

чиқиб кета олмайдиган бошқа жойлар-да, масалан, психиатрия, наркология ва шу каби муассасаларда ҳам қийноқлар-га солишнинг олдини олиш чораларини кўради. Утган йили пандемия шароити бўлишига қарамадан, 70дан ортиқ муассасаларда мониторинг тадбирлари ўтказилди.

— Жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган Эксперт гуруҳи аъзолари томони-дан муассасаларда сақланаётган шахс-лар билан жамоавий ва яқна тартибдаги учрашувлар ўтказилди, — деди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ва-кили (омбудсман) Котибиат мудири Саид-бек Азимов. — Жамоавий учрашувлар давомида маҳкумларга тушунтиришлар берилиб, жумладан, ҳуқуқ ва мажбурият-лари ҳақида уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш ҳолатлари юзга-келган тақдирда Омбудсманга мурожа-ат қилишлари кераклиги таъкидланди. Маҳ-кумлар билан ўтказилган яқна тартибдаги қабулларда эса муассасада қийноққа со-лиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғ-лиқ ҳолатлар бор ёки йўқлиги, юзасидан фикрлар ўрганилди.

— Мен билиб-билмай жиноят қўчаси-га кириб қолдим, — дейди фарғоналик Халилилло. — Ҳозирда 27 ёшдаман. Ал-батта, қилган ишимдан пушаймонман. Бу ерга келганимга бир йил бўлди. Муассас-ада қўриб турганимиздек, яшаш ва иш-лаш учун барча шароит яратилган. Ёнг асосийси, бир касб ўргандим. Ҳозирда уста-дурдорғор бўлиб мебель цехида иш-ляяман. Ётоқ, еб-ичишимиз яхши. Меҳ-натимизга яраша маош ҳам оляпмиз. Ко-лония раҳбарияти, ходимларининг бизга нисбатан муносабати яхши. Фақат яқин-ларимизни соғинчи, озодликнинг қадри билинппти, холос.

Таъкидлаш жоизки, маҳкумлар ўзига нисбатан таъйиқ ёки бошқа қонуний ҳолат бўйича ўз вақтида мурожаат қила олишлари учун ҳар бир жазони ижро этиш муассасаларида “Омбудсман қу-тиси” ўрнатилган бўлиб, уни фақатгина Омбудсман ходимлари очиб ҳуқуқига эга. Мониторинг ташрифи давомида жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган “Омбудсман қутиси”га келиб тушган му-рожаатларни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ко-тибияти мудири қабул қилиб олди.

Ўрганиш давомида аниқланган кам-чиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли муассасалар раҳбарларига за-рурий тавсиялар берилди.

Омбудсман ҳамда унинг ҳузурида жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган Эксперт гуруҳи томонидан жа-зони ўташ муассасалари ва тергов хибсхоналарида мониторинглар тизим-ли давом эттирилади.

Халқни йўлдошев олган суратлар.

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ

кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка боғлиқ



Давлатимиз раҳбари бу гап ҳам Мурожаатнома воситасида 2021 йил давомида давлат ва жамият тараққиятини асосий йўналишларини халқ вакиллари тимсолида бутун Ўзбекистон аҳолига очик-ойдин билдирди. Ва у нафақат халқимиз, балки хорижлик давлат ва жамоат арбоблари, халқаро экспертлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

Мурожаатномада айтилганидек, белгиланган ислохот ва устувор вазифалар халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, қўйилган натижаларга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Бугунги мавжуд ҳолат давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Юристар малакасини ошириш маркази кафедраси мудир, юридик фанлар доктори **Бобоқул ТОШЕВ** билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— **Мурожаатномада кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан зиёд марказлашгани, уларнинг вазифалари аниқ ва тўғри белгиланмагани тўғрисида фаолиятларида бир-бирини таққослаш ҳолатлари мавжудлиги, бу эса, натижада ўрта бўғин раҳбарларида ташаббускорликни сўндиришга сабаб бўлаётгани таъкидланди.**

— Маъмурий ислохотлар даврида давлат бошқаруви идораларини институционал такомиллаштириш, ўз навбатида, улар қабул қиладиган қарорлар механизмларини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

Давлат бошқаруви органлари, яъни вазирлик ва идораларда қарорлар ҳанузгача “юқоридан-пастга” тамойили асосида қабул қилинмоқда. Бу эса жойларда тўпланиб қолган ва ўз ечимини қутаётган муаммоларни ўрганмасдан, таҳлил қилмасдан қарорлар қабул қилиш амалиёти ҳозир ҳам давом этиб келаётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юқори инстанция бирор қарор қабул қилса, унга бўйсунувчи қўйи ташкилот ва идоралар ҳам ана шунга мослаб қарор қабул қилиши таомилга айланган. Бунинг натижасида қўйи идоралар қабул қилган қарорлар доираси чегараланиб қолмоқда. қолаверса, уларда ўша жой — ҳудудга хос хусусият ва муаммолар инобатга олинмаяпти. Ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан амалдаги қонунчилик базаси, норма ижодкорлиги, қабул қилинган қарорларнинг сифати ва ижроси бўйича олиб бориладиган мониторинг натижаларига бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ва қўлами ҳам ошиб бораётти. Бироқ ўрганишлар қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш етарлича ташкил қилинмагани, улар самарадорлигини мониторинг қилишининг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тўлиқ йўлга қўйилмаганини кўрсатмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш ҳамда ижроси мониторингини тўғри йўлга қўйишдан иборат. Шу боис, 2019 йил 2 ноябрда қабул қилинган “Ҳуқуқий мониторингнинг

Мамлакатимиз давлат раҳбари ва халқимиз иродаси билан жаҳон андозаларидаги демократик тамойиллар томон дадил ва собит қадам ташламоқда. Энг муҳими, халқимиз ислохотлар энди ортга қайтмас жараён эканига ишонч ҳосил қилди. Ана шу ишонч бошланган эзгу ишлар, ислохотлар, сатъ-ҳаракатлар жараёнини тезлаштиради, муваффақиятли амалга ошишини таъминлайди. Бунда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, шубҳасиз, муҳим ўрин тутмоқда. Унинг анъана тусини олгани, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналиш ва устувор вазифаларини олдиндан белгилаб бераётгани халқимизни руҳлантирмоқда, келажакка умид ва ишонч уйғотмоқда.

замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларнинг асосларини белгилаш, такомиллаштириш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш белгиланди.

Туб ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари айрим ҳолларда амалиётга мақсадга мувофиқ тарзда қўлланилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги мумкин. Қолаверса, бу камчиликлар назорат қилувчи идоралар томонидан текширилган пайтдагина аниқланади. Текширишлар якунида камчиликлар бартараф қилиниб, ҳужжатлар ижросини тўғри йўлга қўйиш ва таъминлаш ҳақида зарур қўрсатмалар берилади. Бироқ бу орада энг қимматли нарсалар — вақт ва одамлар ишончига дарз кетиши мумкин.

Ислохотлар шиддатли давом этаётган жараёнда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари самарадорлигини баҳолаш зарурлиги юзга келиши табиий. Бу эса мазкур жараёни тартибга солишни тақозо этади. Кўп мамлакатлар тажрибасида қонун ижодкорлигининг сифати ва самарадорлигини таҳлил қилишда ҳуқуқий мониторинг асосий восита сифатида хизмат қилмоқда. Мониторинг амалдаги ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини тартибга солиди, улар ижроси ҳамда мақсадга мувофиқлигини таъминлайди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторинги уларни янада такомиллаштириш, янги меъёрлар, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, таъсири паст ёки ўз кучини йўқотган меъёрларни бекор қилиш, ҳаракатдан тўхтатиш, ҳар бир тармоқ, соҳа ёки ҳудудга хос ва мос қарорлар қабул қилиш имконини беради. Мониторинг жараёнида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётига қанчалик мос экани ўрганилади, уларда қўлланилган асосий тушунча ва атамалар ахлит кўриниш ва тизимга солинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси самарадорлигини янада ошириш мақсадида Адлия вазирлиги давлат бошқаруви идораларида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланган. Ушбу вазифа бугунги кунда Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан белгиланган муддат ва тартибда ижро этилмоқда.

Вазирлик ва идоралар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилгандан сўнг қарорлар қабул қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир идора қабул қилган қарор, энг аввало, ўша ташкилотнинг Низоми, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ваколатлар, функция ва мажбуриятлар доирасида қабул қилинса, унинг ижроси ҳам тўлиқ таъминланади, ҳам ҳуқуқий тартибга солинади.

Ҳар бир идоранинг ўзи мустақил равишда пухта ва сифатли қарорлар қабул қилса, меъёрларни қўллашда ягона талқин ва амалиёт шаклланса, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш имкони яратилади, сарсонгарчилик ва оворагарчиликларнинг олди олинади.

Вазирлик, ташкилот ҳамда уларнинг ҳудудий идоралари ёки

тармоқлари томонидан мустақил қарорлар қабул қилиниши, аввало, юқори органларнинг қўйи органлар ишларига асоссиз аравашувининг олдини олади, бюрократиядан холи бўлган либерал бошқарувни йўлга қўяди. Энг асосийси, кераксиз ҳисоботлар талаб қилиш ва кўл остидаги шахсларга нисбатан турли жазо чоралари қўллаш барҳам топади.

— **Давлат бошқаруви органлари, яъни вазирлик ва идораларнинг бир-бирига ўхшаш ваколатлари амалга ошириш, функцияларини таққослаш, ваколатига кирмайдиган ишларни бажариши ислохотларни тўлиқ амалга оширишга салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас...**

— Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили ва аҳоли билан мулоқот натижалари давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.



Концепцияда ижро ҳокимияти органлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ва бошқалар) ҳуқуқий мақомининг айрим ҳолатларда аниқ чегараланмагани уларнинг давлат аппаратидаги ўрни ва ролини аниқлаш имконини бераётгани, айрим ижро ҳокимияти органларига қўлатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгалиги, уларни амалга оширишини ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли даражада эмаслиги, вазифаларнинг таққосланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани назарда тутилган. *Ижро ҳокимияти органларининг ўзларига хос бўлмаган функцияларни бажариши иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг давлат томонидан ҳаддан зиёд тартибга солиш ёки назорат қилишга олиб келяпти.*

Маъмурий ислохотларни амалга оширишда вертикал бошқарув тизими ва ижро ҳокимияти органлари ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган. Давлат функция ва ваколатларининг ҳаддан ташқар марказлашгани ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ролининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Концепцияда айрим ташкилот ва идораларнинг вазифаси фақат статистика тўплашдан иборат бўлиб қолгани, фаолиятни баҳолашнинг самарасиз тизими кўп ҳолларда жойлардаги ҳақиқий аҳвол ва вазиятни акс эттиролмаётгани қайд этилган.

Шу боис, Мурожаатномада ҳукуматга бошқарувда бир-бирини таққослайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси топширилди. Мазкур ишларни амалга оширишда давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштириш назарда тутилган.

Маъмурий ислохотларни амалга ошириш жараёнида давлат бошқаруви номарказлаштириш принципи асосида “юқоридан-қуйига” қараб институционал такомиллаштириш талаб этилади. Бунда барча давлат бошқаруви органларини Вазирлар Маҳкамаси ташкил этиши, улар фаолиятини таъминлайдиган тегишли ҳужжатларни бевосита ўзи тасдиқлаши, уларнинг раҳбарлари Парламент томонидан вазифага қўйилиши изчил давом эттирилади.

Давлат бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари фақат ўзининг юқори турувчи органига бўйсунуши лозим. Айниқса, туман (шаҳар) даражасидаги идораларнинг ҳам ўзининг юқори органига, ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунуши жойларда давлат бошқаруви ва ижро ташкил этишда турлича ёндашувларни келтириб чиқармоқда. Ваҳоланки, Конституциямизнинг 11-моддасида давлат ҳокимият органларининг бўлиш принциплари қатъий белгилаб қўйилган.

Барча даражадаги вазирлик, идоралар, уларнинг ҳудудий тузилмалари вазифаларини аниқлаштириш ҳамда қатъий белгилаб қўйиш, бир-бирларининг функцияларини таққосламаслик йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилади.

— **Ўрта бўғин раҳбарларнинг масалани ҳал қилишда ташаббуси ва иштирокини қандай ошириш мумкин?**



— Мурожаатномада давлат бошқаруви органлари ҳудудий тузилмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг жойлардаги муаммо ва масалалар ечимини топиш ва ҳал этишда ташаббусини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз 2021 йилда давлат бошқаруви идораларининг ҳудудий масалаларини ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади, деб қатъий ишонч билдирди.

2021 йилдан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва



Ходимларнинг фаолиятини КРЎ кўрсаткичлари асосида кўриб чиқиш ривожланиш учун яна бир қадам бўлди. КРЎ тизимида идора ходимлари фаолияти самарадорлиги рақамлар орқали ўлчанади. Индикаторлар бўйича ҳисобот тайёрланган, режалаштирилган рақамлар орқали қанчалик даражада эришилгани, режалар қай даражада тўғри белгиланганини баҳолаш мумкин. Эришилган самарадорлик натижаси стратегик ва тактик мақсадларга тузатиш ва қўшимчалар киритишга кўмаклашади.

— **Мурожаатномада рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ҳисобидан ходимлар сони ва иш жараёнларини оптималлаштириш чора-тадбирлари кўрилмаётгани таъкидланди...**

— Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки келажак бошқаруви ақлли технологиялар ва инновацион бошқарув усулларига бевосита таянади. Давлат бошқаруви органлари фаолиятида КРЎ (асосий ишлаш кўрсаткичи) тизимига асосланган баҳолаш ва ҳисобдорлик тизимини жорий этиш идораларнинг самарадорлигини ошириш учун муастаҳкам пойдевор яратишга имкон беради.

КРЎдан фойдаланиш муассасага нафақат бозордаги ўрнини баҳолаш, балки фаолиятининг ички механизмларини ҳам кўриб чиқиш учун шароит яратади. Ривожланган хорижий мамлакатларда бундай тизимнинг қўлланилиши ижобий натижа бермоқда. Ходимларнинг фаолиятини КРЎ кўрсаткичлари асосида кўриб чиқиш ривожланиш учун яна бир қадам бўлди. КРЎ тизимида идора ходимлари фаолияти самарадорлиги рақамлар орқали ўлчанади. Индикаторлар бўйича ҳисобот тайёрланган, режалаштирилган мақсадга қанчалик даражада эришилгани, режалар қай даражада тўғри белгиланганини баҳолаш мумкин. Эришилган самарадорлик натижаси стратегик ва тактик мақсадларга тузатиш ва қўшимчалар киритишга кўмаклашади.

Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар ўзларининг қўйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаб ҳамда замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул бўлади. Энди ҳар бир вазирлик ва идора ҳамда уларнинг қўйи бўғинларида хизмат қилаётган барча мақомдаги ходимлар малакасини узлуксиз ошириш тизими жорий этилади. Бундан кейин барча ходим аввалгидек белгиланган маълум муддатларда эмас, балки ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган “кредит-модуль” тизимига асосланган малака ошириш тизимини ишлаб чиқади. Бунда давлат идораларида ишлаб келаётган ходимлар мунтазам равишда ўқийди, малака оширади ва қайта тайёрларликдан ўтади. Шу орқали келажакда маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилади.

Парламент Вазирлар Маҳкамаси билан бирга, 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади. Бу ҳужжатларда ҳокимлар, уларнинг ўринбосар ва маслаҳатчиларининг ваколат

Башқарувга рақамли технологияларни жорий этиш ходимлар сонини қисқартириш, уларнинг ишчанлик қобилиятини баҳолаш, идора ёки корхонага қанчалик фойда келтираётганини аниқлаш, ҳужжатлар ижроси очиклигини таъминлаш ва корхона ривожига қай даражада ҳисса қўшаётганини белгилаш имконини беради.

Ривожланган давлатлар бошқарувида рақамли технологиялар иш бевури ва ижрочи (ходим) ўртасида бозор қонуниятларига асосланган фойдали меҳнат коэффицентини аниқлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, рақамли иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида ҳар бир ходим иши самарадорлигини баҳолаш имкониятини яратади. Ходимнинг ишлаётган идорасида обрўсини оширадиган, меҳнатига адолатли ва муносиб маош тўланадиган, очик ва аниқ баҳолаш шакли саналади. Хулоса қилиб айтганда, рақамли технологияларни давлат бошқаруви органлари фаолиятида кенг жорий этиш ҳам сонли, илҳам ва тезкор бошқариладиган идораларни шакллантириш сари қўйилган муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Исमत ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Рашид Ганиев олган сурат.

АЁЛГА ЭЪТИБОР ФАҚАТ ҲУРМАТ ЭМАС

уларнинг жамиятдаги нуфузини
ошириш, ташкилотчилик,
тадбиркорлик қобилияти учун
шароит яратиш ҳам демакдир

Шоҳиста МАДИЯРОВА,
Тошкент вилояти Хотин-қизлар
тадбиркорлик маркази раҳбари

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида илгари сурилган ғоя — хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш учун аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол, ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этиш таклифи, ўйлаётганимиз дилидаги гап эди.

Таъкидлаш лозимки, шиддат билан ўзгараётган замонда аёл зотига бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда. Шу боис, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш билан бирга, жамиятдаги нуфузини ошириш, ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мурожаатномада яна бир бор аёлнинг эъзозлаш, хотин-қизларга муносиб ғамхўрлик кўрсатиш ҳалқимизга хос юксак фазилатлардан бири эканлиги эътироф этилди. Президентимиз айтиш мавзуда сўз юритиб, “Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш — ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан бирidir”, деб таъкидлади. Бу эса, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият қўрилишидаги фаоллигини ошириш, мавқеини юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилган ишлар миллий қадриятларимизга уйғун савий-ҳаракатлардан эканлигининг ёрқин намунаси. Қолаверса, Мурожаатномада белгиланган вазифалар ана шу ишлар янада сайқал топиб, янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади, десак тўғри бўлади. Бинобарин, мазкур тарихий ҳужжатда аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун буюртмадан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши белгиланди. Шунингдек, “Халқ банки” томонидан жойларда хотин-қизларнинг тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишининг янги тизими жорий этилди. Бугунги кунда аёллар юртимизнинг меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий жиҳатдан

фаол аҳолисининг катта қисмини ташкил этишини инобатга олсак, бу имтиёзлар хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга комплекс ёндашувни, улар томонидан бошқариладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга ахборот, бозор, таълим, молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини бериш бораборида бизнес фаолиятини аёллар орасида фаол оммалаштириш учун кенг йўл очади. Эътиборлиси, хотин-қизлар тадбиркорлигини мамлакатимиз иқтисодий ривожини учун энг муҳим ресурслардан бири деб айтиш мумкин. Уйма-уй юриш орқали, аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, уларнинг эҳтиёжи, қизиқишларини аниқлаган ҳолда, шакллантириладиган “Аёллар дафтари” эҳтиёжманд аҳолини тўғри танлаш ва шу асосда улар билан манзилли ишлаш имконини бермоқда. Чунки “Аёллар дафтари”га ҳар бир ҳудудда истиқомат қилаётган, 30 ёшдан ошган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда ишתיёжи бор, шунингдек, бандлиги таъминланиши керак бўлган хотин-қизлар киритилмоқда. Шу дафтар орқали мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ўз ташвиш-ўйларига ўралашиб юрган опа-сингилларимизнинг муаммолари тизимли ҳал этиляпти. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларда, хусусан, хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари йўлида олиб бориладиган сиёсат биз аёлларга чинакам бахтли яшаш, ҳуқуқ ва эркинликларимизни таъминлаш, интеллектуал, маънавий салоҳиятимизни юксалтириш, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларимизни ҳамоҳанг тарзда бажариш учун зарур имкониятлар яратди.

МУШОҲАДА



Фарида АФРЎЗ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Инсон умри — дарё суви, деймиз. Кечагина ёш эдик, гўр эдик. Толбаргақдан сочпук тақиб, адабиётга, ҳаётга меҳр билан улғайиб, бугун неча довлар ошиб кўйганимизни хотирлаб турибмиз. Нимагадир эришган бўлсак, ўқиш, билим, маърифат ва маънавият туйғули бўлди. Ютқазсак, маърифатдан, маънавиятдан чекинган кунларимиз уволдан кўрдик.

Мақсадлар, муддаолар сари шошдик, шошқалоқлик ҳам қилдик. Баъзан “Ишқилиб, кеч қолмадик-ми?”, деган хавотирга тушамиз. Улғурсак енгил тортамиз, аксинча, пушаймон қиламиз. Бугун шундай даврда яшаймизки, бизнинг ҳаракатимиз жамиятни, келажакни залолатга юз буришдан асраши, ҳаётимизни фазийёб қилиши, шубҳасиз. Орамизда шундай саволларни ўз-ўзига ҳар дақиқада бераётган инсонлар борлигига аминман. Чунки инсоният тафаккур қила олиши учун ақл билан зийнатланган. Шундай экан, биз маърифатсиз дунё қоронгу ва рутубатли эканини англаб, буни ёш авлодга ўқитишимиз лозим. Давлатимиз раҳбари маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари буйича ўтказган видеоселектор йиғилишида бугунги таҳликали даврда ёшларнинг маънавий тарбиясига эътиборни кучайтириш, масъулиятни ошириш юзасидан зиёлилар олдига аниқ вазифалар қўйди. Муштақил ватанда яшаш қандай яхши, озолик қандай бебаҳо, тотли неъмат! Лекин уни асраб-авайлаш, ҳаётни идрок қилиш ҳам ғоят жиддий масъулият. Биз “Муштақил бўлдик, озод ва ҳурмиш!”, деб қувондигу аммо чин ҳурлик асоси — маънавият дарахтининг шоҳида, баргидо юравердик. “Биздан зўри йўқ!” деган эски ёлгон ақида қуршовидан чиқиб кетолмадик. Кибобсиз, илмсиз, адабиётсиз турмушимиз фаровон, келажакимиз порлоқ бўлмаслигини кўп ҳам англаб етмадик. Хайрияти, кейинги йилларда

бўлаётган ислохотлар қалбимизга таскин бермоқда. Буюк аждодларимиз ҳар ишга ҳажм қилар экан, энг аввало, унинг моҳиятига разм солган ва адашмаган. Ҳар ишда ҳалол ва мардона турган. Ҳар ишни ишқ билан соф ва ҳолис бажарган. Ишқ — Моҳият. У бор жойда мунозара, муҳокама, мусодара бўлмас. Уни билганлар беҳуда жангга кирмас, тўхматни танимас, ноишқлар, ноқаслар, нодонлар сари бормас.

Тарози палласида биз: вазнимиз қандай?

Китоб тафаккур пучмоқларини очади, яшнатади. Шунинг учун ҳам одам авлодлари уни эъзозлайди, мўътабар тутади. Жоҳиллар нигоҳидан яширади, тиллога алишмайди. Бир китоб учун отилганларни, жон фидо қилганларни биламиз. — Улар кимлар эди? — Улар маърифатли маънавиятчилар эди.



Ҳасан Йўлдошев олган сурат.

Маънавият — ақлу ҳуш, фаҳм-фаросат, идрок ва онг, илму салоҳият, феъл-атвор, тафаккур, одобу фасоҳат, шарму ҳаё, ор-номус, муҳаббат... Шундай экан, келинг, инсон биологик вужуди ва руҳий ҳолатини тарозидо ўлчайлик: қайси бири тош босади? Вужудни фақат рух гўзал қилади. Инсонни улғулайди инсоният тафаккур қила олиши оёқ қадри баланд, ҳаётни обод қиладиган, тўғри ва эгри, оқ ва қора, савоб ва гуноҳни танитган ҳам шу рух. Демак, олдимизда икки йўл турибди: вужуднинг майлига эргашиб нафс балоси, манфаат ва таъма гирдобига ғарқ бўлиш ёки инсонийлик макomini юксалтириб, ҳаловатда яшаш. Яна биз фарзандларимиз ёт мафқуралар оқимида чўкиб кетишига томошабин бўлиб туриш, уларни ўзлгимиздан бегона қилиб тарбиялаш, келажакимиз таназзулига ҳам қаршимиз. Маънавият фидойилари — зиёлилар тафаккур майдонида ўзини қандай тутаяти? Вужуд ва руҳнинг бетўхтов аёвсиз жангида омонинг?

“Менга нима?”, дейдиганлар саф-саф бўлди. Бу ҳам майли, “Сенга нима?”, деб шаштиндан қайтармоқчи бўладиганлар, кучи етмаса, сени ахмоққа чиқарадиганлар урчишига нима дейсиз? Бир қуни бетоб дугонамни кўргани шифохонага бордим. Тошкентнинг энг нуфузли тиббиёт муассасаси биносининг узунлиги ўттиз метрча, эни бир метрдан кам бўлмаган пештоқига пурмаъно иқтибос ёзиб қўйилибди. Ёзув жуда ҳашаматли, олтин рангда товланиб, кўзга ташланиб турибди. Беихтиёр тўхтаб қолдим. “Ҳа, опа, хатоси бормикан?”, деб югуриб келди ўша ерда турган оқ халатли икки киши. “Ҳа, учта”, дедим-да, кириб кетавердим. Бироздан кейин чиқсам, оқ халатлилар кўпайиб қолди. Орала-рида раҳбари ҳам борга ўхшайди. Улар мени кутиб турган экан. “Опа, иккитасини топдик, бироқ учинчисини тополмаяпмиз”, дейишди. Мен айтдим. Дарҳол тўғрилаб қўйибди. Хурсанд бўлдим, лоқайдлик қилмаганимдан, журъат топганимдан...

Лоқайдлик — истеъдодни сўндирувчи довул. Довулки, илохий неъматга бепасанд. Лоқайдлик — гўзалликни беқадр қилгучи жаллод. Жаллодди, қатлдан бошқа хизмати йўқ. Лоқайдлик — хайратни кўмувчи тупроқ. Тупроқки, инсониятни ютувчи манзил. Хуллас, биз юқорида келтирган мисоллар арзимас бўлиб кўрингани билан бепарво қарайдиган ҳолат ҳам эмас. Бу биздан аввал ўтган доғдонишлар, зиёлилар қайғуси. Токи, аждодлар руҳини шод этиш, ёнимиздаги одамларни рози қилишга маҳкам бел болаган эканмиз, ҳеч кимнинг томошабин бўлишга ҳаққи йўқ! Ҳолбуки, давлатимиз раҳбари маънавиятимиз кундаси бўлмиш лоқайдлик ҳақида бонг урар экан, бизнинг ҳам гайратимиз ва шижоатимизга ишонч билдирмоқда. Бу ишонч бошлаган ишларимиз Биринчи, Иккинчи Ўйғониш даврлари каби тарих зарваракларига битилдиган олтин аср бўлиши учун астойдил ишлашимиз зарурлигини англайди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислох қилиш, хусусан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасалари инфратузилмасини яхшилаш, тизимнинг бирламчи бўлинига замонавий коммуникация технологияларини жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2020 йил 6 ноябрда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда илғор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш, уларга ёрдам бериш мақсадида тиббиёт бригадалари ташкил этиш, оилалар кесимида “тиббий харита”ларни шакллантириш, аҳоли билан манзилли иш олиб бориш,

улар саломатлиги ҳолатини баҳолаш ва электрон базасни яратиш, тиббиёт муассасаларини ходимлар ва диагностика воситалари билан таъминлаш борасида қатор вазифалар белгиланди. Ана шундай вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳоли айна пайтда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, улар орасида тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинмоқда. Пойтахтимизнинг Олмасор туманида жойлашган 15-оилавий поликлиника 9 та маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат



кўрсатади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган 40 мингга яқин аҳолининг 38 минг 958 нафари хатловдан ўтказилди. 26 минг 412 нафар катта ёшдагилар, 12 минг 546 нафар болалар саломатлиги муфассал текширилди. Бунинг учун 24 та тиббиёт бригадаси ташкил этилди. Оила шифокори, ҳамшира ва тор

соҳа мутахассисларидан иборат бригадалар ҳар бир уйга кириб, унда яшовчиларнинг бўйи, вазни, бел айланаси, пульси, босими, сатурациясини ўлчади, саломатлик ҳолатини белгилади. 5 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шахс-

лар скрининг текширувидан ўтказилди. Касалликка мойиллар индивидуал патронажга олинди. Касалликларнинг олдини олиш, эрта босқичда аниқлаш, касаллиқни даражасини пайсантириш ва профилактик тадбирлар воситасида аҳоли саломатлиги кўрсаткичи янада яхшиланди. — Аҳоли орасида хавф гуруҳларини баҳолашдан асосий мақсад — касалликни эрта аниқлаш ва олдини олиш, профилактик ишларни йўлга қўйиш, улар учун диспансер назоратини белгилашдан иборат, — дейди 15-оилавий поликлиника бош шифокори Гулноз Мамайтқуллова. — “Ғалаба” маҳалла фуқаролар йиғинида 40 ёшдан ошганлар орасида юрак қон-томир касалликлари 55,5 фоизни ташкил этаётгани аниқланди. Шу боис, жорий йилнинг 6 январида маҳалла фуқаролар йиғини идорасида мақсадли тиббий кўрик ўтказилди. Хавф гуруҳига кирувчилар кардиограмма қилинди, улардан лаборатория таҳлиллари олинди. Аниқланган касалликларга даво чоралари тавсия қилинди. Бундай тадбирларни келгусида барча маҳаллада ўтказиш кўзда тутилган. Муассасада “Электрон поликлиника” тизими йўлга қўйилган. Ушбу тизим рўйхат ва маълумотларни автоматлаштириш, ягона электрон амбулатория

тиббий картасини юритиш каби афзалликларга эга. Беморлар масофадан туриб, ўзи учун қулай вақтда шифокор кўригига навбат олиши мумкин. — Аҳолининг тўғри овқатланиши, оммавий спорт билан шугулланиши ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя қилиши касалликларнинг олдини олиш ва умрни узайтиришда муҳим омил саналади, — дейди оилавий поликлиника бўлим бошлиғи Маъмура Хидирова. — Оилавий шифокор қабулига келган ҳар бир бемор билан тўғри овқатланиш, бадантарбия, пиёда юриш, очиқ ҳавода сайр қилишнинг аҳамияти хусусида суҳбат ўтказилади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки миллият саломатлигини мустаҳкамлаш, халқ генфондини сақлашга соғлом турмуш тарзи орқали эришилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутаассиди ходимларидан иборат ишчи гуруҳи поликлиникада меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш, уларнинг замонавий тиббий технологияларни ўзлаштиришига кўмаклашиш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этиди. Бундай ҳаммулоқотлар, тиббиёт ходимларини соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан танишиш, тажриба алмашиш, билим ва малакасини оширишга хизмат қилади.

